

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2017
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

О.АҲМАДЖОНОВА	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар	64
М.ЖУРАЕВА	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси	66

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ТОШХЎЖАЕВА	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи	69
Э.ИБРАГИМОВА	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши	73
Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА	
Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги	77
В.АМАНОВ	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш	80
Д.ЮЛДАШЕВА	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари	83
Н.ҒОФУРОВА	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари	86
Г.ЖУРАБОЕВА	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни	88
Р.АХРОРОВА	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари	92

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари	95
Ҳ.ҒАНИЕВА	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти	98

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.АБДУМАННОПОВ	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала	103
Ш.ОХУНЖОНОВА	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида	106
М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари	109
О.ҲУСАНХЎЖАЕВ	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти	111
Н.УРИНОВА	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари	113
Н.АБДУЛАЗИЗОВА	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари	115

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим	116
---------------------------	-----

ХОТИРА

Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ	117
Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ	117

УДК: 8-1/-3

“ЧИНОР” РОМАНИ КОМПОЗИЦИЯСИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

О.Аҳмаджонова

Аннотация

Ушбу мақолада Асқад Мухторнинг “Чинор” романи таҳлилга тортилади. Асардаги бош образ Очил бува халқнинг, мангуликнинг тимсоли сифатида чинорга қиёсланади. Очил бува сиймосида ўзбек халқига хос фазилатлар мужассамлашган.

Аннотация

В статье анализируется роман Аскада Мухтара «Чинара». Главный герой романа Очил бува сравнивается с чинарой как символ народа, вечности. В образе Очил бува сфокусированы качества узбекского народа.

Annotation

In this article a novel “Chinor” by Askad Mukhtar is analyzed. The main character Ochilbuva is compared as a symbol of model of the people, eternity like chinor (plane). Ochilbuva is considered the peculiar dignity character of Uzbek people.

Таянч сўз ва иборалар: усул, образ, рамзий, ёзувчи маҳорати, чинор, халқ.

Ключевые слова и выражения: стиль, образ, символический, мастерство писателя, чинара, народ.

Key words and expressions: style, character, symbolic, author’s skill, plane, people.

Достон ва балладаларга хос лиро-эпик тасвир уйғунлиги ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлаб насрий асарларда ҳам учрай бошлади. Шундай асарлардан бири, Асқад Мухторнинг “Чинор” романи бўлиб, унинг макроструктурасида лирик оҳанг билан эпик баён муҳим ўрин тутди. Маълумки, романнинг ҳар бир қисмида, аввало, ривоят, сўнг ҳикоят, кейин қисса берилади. Энг муҳими, ғоя ва мазмун жиҳатидан уйғунлашиб, дарахтнинг танаси, шох ва барглари сингари бир бутунликни ташкил этади, бир-бирини тўлдирди. Бу ривоят, ҳикоят, қиссаларда ўзбек халқининг узоқ тарихи давомида разолат, жабр-зулм, айёрлик, қабихликларга қарши ҳақиқий адолат, нафосат каби юксак ғоялар, олижаноб инсоний фазилатларни қарор топтириш учун курашиб келганлиги тасвирлаб берилган. Характерли жиҳати шундаки, ушбу ҳикоят ва қиссаларда халқимизнинг тарихий тараққиёт йўлидаги азоб-уқубатлари, эришган ютуқлари ўз ифодасини топган.

Романда ҳам тарихий, ҳам замонавий воқеа-ҳодисалар ўзаро мутаносибликда тасвирланган. Бу ҳақда ёзувчи шундай ёзади:

“Чинор” деб номланган янги романимда бутун илдизи билан халқнинг улкан тарихига узвий чирмашиб кетган катта меҳнаткаш оиланинг тарихи тасвирланади. Ҳар қандай тарих каби...” [3.94]. Бу оиланинг тарихи ҳам, шу кунги турмуши ҳам ўзбек халқи таржимаи ҳолининг бир парчаси сифатида намоён бўлади.

Асарда Очил бува катта ғоявий-бадий умумлашмага эга бўлган образдир. Ёзувчи уни рамзий маънода улкан чинорга қиёс қилади. Чинор халқнинг, мангуликнинг тимсолидир. Очил

бува авлодлари қиёфасида ўзбек халқига хос чизгилар гавдаланади. Ёзувчининг бошқа асарларида ҳам акс этган образлар замиридаги рамзий-мажозийлик жиҳат, бу асарда, айниқса, бўртиб кўринади. Буни фақат Очил бува образидагина эмас, асар композициясида ҳам кўрамади. Ривоятлар ҳар бир қиссада ифодаланган ғоявий мазмуннинг эстетик таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиб, унга рамзий-романтик маъно бағишлайди. Романдаги илк тасвирни ёдга олайлик:

“Тоғ бағридаги ҳув ўша булут булут эмас, чинор. Дарвоқе, тоғнинг ўзи ҳам, қишлоқ ҳам унинг номи билан: Чинортоғ, Чинорқишлоқ деб аталади... Ёши аллақачон мингдан ошиб кетган... Унинг ўн тўққиз қулочли ғўдир танаси ўзининг минглаб қатламлари билан гўё ҳаётнинг мангулигини тасдиқлаб тургандек. Очил бува уни доим ёш кўради... У Очил буванинг йигитлик чоғида ҳам худди шундай эди, ўшанда ҳам унинг кўнглига шу қиёс келган...” [1.3-4], тарзда бошланади.

Чинорга тикилиб, Очил бува ўзининг ўтмишини эсга олади. Чинорга боқиб, Очил бува борлиқнинг чексизлигини, ҳаёт абадийлигини ҳис қилади. Бобо чинор билан суҳбат қураркан, “Охири кўксиди соқоли сал титраб, товушсиз, кўз ёшисиз йиғлаб юборади...” [1.5].

Очил бува ҳаёти муттасил курашлардан иборат. У бир вақтлар Ватанни ҳимоя қилиб қўлига қурол олган, чигиртка офати билан курашган, темирчилик қилиб, Очил тақачи номини ҳам олган.

Очил бува юрти, эли учун ҳар қадамда жон куйдирган.

Демак, чинор – Очил бува, Очил бува ва чинор воқеаларни ўз атрофига занжирдай боғлаб туради.

О.Аҳмаджонова – ФарДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Бу образни яратиш жараёнида ёзувчи психологик таҳлилнинг аналитик усулидан фойдаланади. Чунки муаллиф хоҳишидан ташқари, асар воқеа-ҳодисаларида, хусусан, образларида ўзи яшаётган давр изларини акс эттиради.

Очил буванинг авлоди мустаҳкам чинор илдизлари каби бутун ўлка бўйлаб тарқалади. Уларнинг ҳаммаси ижтимоий ҳаётнинг зарур соҳаларидан бирида фаолият кўрсатадилар ҳамда ҳаётда муносиб ўрин тутадилар. Ҳар бир авлоди халқ фазилатининг ўзига хос томонини очишга ҳисса қўшади. Буларни буванинг райком котиби бўлган ўғли Ориф, доктор Бергернинг жиноятларига гувоҳ шифокор қизи Умида, Амунинг жиловини тортишга уринган набираси Комила, қилган ишидан виждон азобидан ёнган набираси Акбарали мисолида кўришимиз мумкин.

Романнинг бош қаҳрамони Очил бува турли қиссаларни бир-бирига боғловчи композицион элемент сифатидагина асарга киритилган эмас, балки унинг бош ғоясини, асосий юкини ўзида элтувчи марказий қаҳрамондир. Ривоят қилишларича, чинор Очил буванинг узоқ аждодларидан бири томонидан вабо йилида ўтқазилган эди. Чинор рамзи асарнинг композицион тизимида муҳим роль ўйнайди.

Очил бува ўзбек эканлигидан фахрланади. Ўзбек халқининг ўтмишини қораловчиларни танқид қилади. Чет элда улғайган набираси Азимжонга авлодларини таништирар экан, унинг акаси Абдулаҳад, ўғли Олимтойлар ҳақидаги фикрларига, ўтмишнинг зиёсига шубҳа билан: “Уша замонда-я, бува? У замонларда бир фоиз ҳам саводхон бўлмаган дейишади-ку” деб берган саволига: “Ўтмишни ёппасига зулмат қилиб кўрсатадиганларни ёмон кўраман” [1.448], чунки ўзбекнинг кўнгли, унинг маънавий дунёси ҳамisha баланд бўлган, нони йўқ бўлса бўлгандир, “аммо кўнгил қашшоқлиги унга бегона бўлган”, деб таъкидлайди Очил бува. Унинг фикрларини қувватлаб, мухбир йигит шундай дейди: “ - Менга қаранг, ака, - деди йигит Азимжонга қараб, - сиз нима, ойдан тушганмисиз? Шундоқ бўлса ҳам ҳазрат Навоийни билсангиз керак, Улуғбекнинг Птолемей билан турган ёнма-ён суратини кўрганмисиз? Беруний “Илиада”ни юнон тилида

ўқиган, мен сизга айтсам, санскритдан арабчага таржима қилган. Ал-Фарғоний Бағдод академиясининг академиги эди.

Уни Данте “Илоҳий комедия”да тилга олади. Машрабнинг ўзини олинг! Жасорати, тақдири жиҳатидан ўша давр шароитида Жордано Брунодан нима фарқи бор! Ал-Хоразмийнинг ...” [1.449].

Очил бува ўз аждодлари ҳақида тинимсиз ўйлайди, акаси Абдулаҳад думанинг Лев Толстой билан учрашуви ҳақида сўзлаб беришни, Шарқу Фарбнинг илмий ҳамкорлигидан фахрланишини хоҳлайди. Очил буванинг акаси, давлат Думасининг аъзоси мулла Абдулаҳад маълум сабабларга кўра узоқ рус ўлкасининг Тула губерниясига бадарға қилинган саводхон, зиёли шахс. Граф Толстой Лев Николаевич билан учрашиб, мунозарага кириша олган, унга ғазаллар ўқиб, Яссавийнинг ҳикматлари билан мафтун этиб, лол қила олган ўзбек халқининг бир вакили.

Конфуций, Махатма Ганди ғоялари, фикр-мулоҳазалари билан муштарак эканлиги бу каби ғарибларга бўлган меҳр-мурувват туйғуси кекса графнинг эътиборини тортади, ўй-мушоҳадаларга фарқ қилиб, Шарқнинг буюк алломаси Аҳмад Яссавийни қайта кашф этади. Муаллиф бу образ билан Шарқнинг, хусусан, ўзбек халқининг, нафақат маълуму машҳур олимлари, балки оддий халқ вакиллари ҳам ана шундай буюклар билан бемалол баҳс-мунозарага кириша оладиган саводли, билимли, юксак маънавият ва маърифат соҳиблари бўлганлигини таъкидлайди.

Ёзувчининг ушбу асари орқали биз Форобий ривоятида у яшаган ўтмишга, тарихга, Бозорқул воқеаси билан танишиш жараёнида хонликлар даврига, Олимтой, Ориф, Умида, Комила ва Акбарали қиссалари орқали XX аср ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий турмушига кириб борамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Асқад Мухтор “Чинор” романи воситасида ўзбек халқининг узоқ ўтмишдан то XX аср охиригача бўлган ҳаётини бир оила вакиллари тимсолида бадиий акс эттиришга ҳаракат қилган. Халқимизнинг юксак фазилатларини тараннум этган.

Адабиётлар:

1. Асқад Мухтор. Чинор. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007.
3. Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Маънавият, 1998.
4. Ўзбек адабий танқиди. Антология. – Т.: Турон-Иқбол, 2011.

(Тақризчи: Й. Солижонов, филология фанлари доктори, профессор).